

Ер шарида азон садоси



15:30 / 12.08.2020 3426

«Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!» сўзлари билан бошланувчи кун худди шу калом билан ниҳоясига етади.

Яқинда намоз вақтларининг турли давлатларда қанча соатга фарқ қилишини ўрганиб, шу асосда жадвал тузмоқчи бўлдим.

Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши натижасида намоз вақтларида мутаносиблик юзага келишини билардим, аммо унда илоҳий ҳикмат яширин эканини ўйлаб ҳам кўрмаган эканман.

Ишни хаританинг энг шарқий қисмидан жой олган мусулмонлар давлати Индонезиядан бошладим.

Бу пайтда у ерда бомдод намозига азон айтилаётган эди.

Сўнгра 3-4 дақиқадан сўнг Малайзияда ҳам намозга даъват этувчи бу товуш янграб, муаззинлар бомдодга тайёргарлик кўришар эди.

Бир неча дақиқадан кейин у ерда ҳам «Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!» деган товуш янграй бошлади.

Тобора ҳаяжонланиб, Аллоҳга ҳамду сано айтдим.

Намоз вақти эса хаританинг ғарбий қисми томон сурилиб борар ва энди айтиш навбати Таиландликларга етиб келган, мен эса Аллоҳнинг каломи ер юзида тўхтамай айтилаётганидан ҳайратим ошарди. Бирин кетин Бангладеш, Ғарбий Ҳиндистон, Калкуатта, Хаура «Аллоҳ буюқдир, Аллоҳ буюқдир, Аллоҳ ягонадир» дея намозга даъват этди.

Кейин Марказий Осиё давлатларига навбат етиб келди.Сўнг Эрон, Ироқ, ундан кейин араб давлатларига кўчиб ўтди.

Мени ҳаяжонга солган нарса шу бўлдики, ер шарида «Аллоҳ буюқдир» дея бошланувчи азон товушлари давомий равишда ҳар дақиқа тўхтамай янграб турар экан.

Islom.uz портали таҳририяти